ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

МАМАЖАНОВ РУСТАМ РАХИМЖАНОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИКЛАРИ ОРАЛИҚ ҚУРИЛМАЛАРИ РЕСУРСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТЕХНИК ДИАГНОСТИКА НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар ва метрополитенлар

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

УЎК: 624.21.014.2

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Мамажанов Рустам Рахимжанович
Темир йўл кўприклари оралиқ қурилмалари ресурсини ҳисоблаш усулларини техник диагностика натижалари асосида такомиллаштириш 3

Мамажанов Рустам Рахимжанович
Совершенствование методов расчета ресурса металлических пролетных строений железнодорожных мостов по результатам технической диагностки 25

Mamajanov Rustam Rahimjanovich
Improvement of calculation methods of the metal superstructures resource of railway bridges on the technical diagnostics results 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

МАМАЖАНОВ РУСТАМ РАХИМЖАНОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИКЛАРИ ОРАЛИҚ ҚУРИЛМАЛАРИ РЕСУРСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТЕХНИК ДИАГНОСТИКА НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар ва метрополитенлар

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tayi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ишанходжаев Абдурахман Асимович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рашидов Турсунбай** техника фанлари доктори, профессор, академик
	Рузиева Мафура Васиковна техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкентдаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.т.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, А.Темур шоҳ кўчаси 20 уй. Тел./факс: (99871) 2321439, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (99871) 2321439.)

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т..ф.д., профессор

А.М. Бабаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.А. Ашрабов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўлларнинг меъёрий фаолиятини таъминлашда масъулиятли ва қиммат бўлган иншоот - кўприкларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. АҚШ, Япония, Германия, Хитой[1] каби темир йўл инфраструктураси ривожланган мамлакатларда юқори тезликдаги темир йўл йўналишлари бўйлаб темир йўл кўприкларининг салмоғи умумий йўл узунлигининг 70% ни ташкил этади. Бу ўз навбатида кўприклар металл оралиқларини эксплуатация жараёнини илмий асосланган доимий мониторинг тизимини ташкил этиб бориш зарурати туғдирди. Шу сабабли кўприк конструкциялари элементларининг ресурсини прогноз қилиш соҳасига хорижий мамлакатларда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач транспорт коммуникациялари тизимларида ер усти иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнларини сифат жихатидан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар асосида, жумладан темир йўл ер усти иншоотларини мураккаб металл конструкциялари ёрдамида унинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги оширилди. Шулар билан бир қаторда бугунги кунда транспорт комуникация тизимларида сунъий иншоотлар ресурсларини ошириш учун ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « … йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, …» вазифаси белгилаб берилган. Бу борада кўприклар ресурсини ҳисоблаш, уларнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш, темир йўл линияларида янги барпо этилаётган ҳамда эксплуатациядаги кўприкларнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалда кенг миқёсида олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда металл оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблаш, уларни баҳолашнинг техник диагностика асосида бажариш, бунда уларни тайёрлаш ва монтаж қилишдаги нуқсонлар, шунингдек, ресурсни аниқлашда узоқ ишлаш жараёнида юзага келадиган шикастларни ҳисобга олиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан оралиқ қурилмаларни ясаш, монтаж қилиш ва эксплуатация қилганда нуқсонлар пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш, оралиқ қурилмалар ресурсига нуқсон ва шикастланишларнинг таъсирини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш, оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблашнинг амалда қўллаш учун қулай услубларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги

[1] https://ru.wikipedia.org/wiki/высокоскоростные_наземный_транспорт_по_странам

ПҚ-2313-сон «Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар страдегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 242-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсмодинамикаси ва информатика» ва XIV «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўприклардаги металл конструкцияларни ясаш ва монтаж қилиш, ҳамда эксплуатация вақтида бошланғич нуқсон ва шикастлари бўлган оралиқ қурилмаларни ҳисоблаш соҳасида жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан В.О.Осипов, Т.М.Богданов, А.И.Васильев, Е.Е.Гибшман, П.П.Ефимов, Э.С.Карапетов, Ю.Г.Козьмин, Б.Ф.Лесохин, Г.А.Мамлин, HisayukiAKIYAMA, MitsuruKIMURA, Murakami, KatsuroOZAWA, NobuoNISHIMURA ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Юртимизда темир йўл кўприклари металл конструкцияларини конструктив мукаммаллаштириш, ҳисоблаш ва синаш соҳасини ривожланишида бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Т.Р.Рашидов, А.А.Ашрабов, А.А.Ишанходжаев, Р.Мамажанов, Г.Х.Хожметов, М.В.Рузиева, Р.З.Низамутдинова, Ч.С.Раупов, Н.А.Красин, Х.А.Байбулатов ва бошқалар, бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар.

Бугунги кунда металл оралиқ қурилмаларни ясаш ва монтаж қилишдаги дастлабки нуқсон ва шикастлар, шунингдек, эксплуатация босқичидаги шикастларнинг таъсирини баҳолашнинг амалдаги меъёрий хужжат ШНК 2.03.02-12 «Кўприклар ва қувурлар»да тўлиқ ҳажмдаги илмий асосланган усули йўқ. Эксплуатация қилинаётган оралиқ қурилмаларнинг қолдиқ ресурсини прогноз қилиш бўйича математик формулаларда кўриб чиқиладиган вақт онида дарзлар борлиги, металлнинг занглаши ва бошқа шикастлар тўлиқ ҳисобга олинмайди. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, шундай хулоса чиқариш мумкинки, хозирги пайтда мавжуд металл оралиқ қурилмаларни техник диагностика маълумотлари асосида ҳисоблаш усуллари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим

муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида, А-14-23 «Темир йўл кўприклари металл оралиқ қурилмаларининг эксплуатацион ишончлилиги» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа гранти, ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «NIPPON STEEL» (Япония) компаниялари билан тузилган шартнома (2008-2010) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эксплуатация қилинаётган темир йўл кўприкларидаги металл оралиқ қурилмалар ресурсини техник диагностика натижалари асосида ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оралиқ қурилмаларни ясаш ва монтаж қилишда, шунингдек, уларни узоқ вақт эксплуатация қилганда нуқсонлар пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш;

оралиқ қурилмалар ресурсига ҳар хил нуқсон ва шикастларнинг таъсирини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблашнинг амалда қўллаш учун қулай усулларини ишлаб чиқиш;

темир йўл хўжалиги ҳисобидаги фойдаланилаётган оралиқ қурилмаларни текшириш ва техник ҳолатини баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти темир йўллардаги кўприкларнинг металл оралиқ қурилмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети поездларни ўтказиш шароитларини белгилаш ва уларни эксплуатация қилиш вақтида таъмирлашлараро муддатларни режалаштиришда темир йўл кўприклари металл оралиқ қурилмалари ресурс кўрсаткичларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида темир йўл кўприклари металл оралиқ қурилмаларининг ҳолатини экспериментал-назарий ўрганиш усуллари, чизиқли бузилиш механикаси асосида олинган назарий боғлиқликлар усули, қурилган кўприкларни ўрганиш натижалари, оралиқ қурилмалар тугунлари фрагментларини, поездлар таъсирини яқин акс эттирувчи, кўп марта қайтарилувчи юкланишларга синашлар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оралиқ қурилмаларни қуриш ва эксплуатация қилиш босқичида нуқсон ва шикастланишларнинг юз бериш сабабларини техник диагностика натижалари асосида аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

ишқаланиш коэффиценти *f* асосида узеллардаги нотекисликлар ҳисобига ҳосил бўладиган шикастланишлар концентрацияси даражаси аниқланди;

техник диагностика натижалари асосида эксплуатациядаги темир йўл металл оралиқ қурилмаларнинг қолдиқ ресурсини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

эксплуатация жараёнида ҳосил бўлган шикастланишларни ҳисобга олган ҳолда оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблаш усули, шикастланишлар

тўпланиш назарияси асосида такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эксплуатацияга топширишдан олдин дастлабки нуқсонларга эга кўприкларнинг металл оралиқ қурилмалари ресурсини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари такомиллаштирилган;

эксплуатация қилинаётган кўприкларнинг металл оралиқ қурилмаларини техник диагностика натижалари асосида қолдиқ ресурсини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари такомиллаштирилган;

аналитик боғланишлар асосидаги моделлаштириш ва ҳисоблаш услубиятлари ҳамда тажрибавий тадқиқ этиш натижалари металл оралиқ қурилмаларни қолдиқ ресурсини ҳисоблаш учун қўлланма ва мавжуд сунъий иншоотларни текшириш ва техник холатини аниқлаш тавсиялари ишлаб чиқиш, йўл хўжалигига тегишли кўприкларни таъмирлашни оптимизация қилиш имконини яратди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда синов намуналарини лабораторияда синаш маълумотлари ва оралиқ қурилмалар ресурсига нуқсон ва шикастларнинг таъсирини баҳолаш бўйича назарий формулаларни кўприкларнинг эксплуатация қилинаётган оралиқ қурилмаларини текшириш ва синаш маълумотлари, шунингдек, турли илмий конференцияларда муаммонинг кенг муҳокамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясининг тақриз қилинадиган илмий журналларида тадқиқот натижаларининг нашрлари билан таққослаш воситасида изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бўйича олинган натижаларнинг илмий аҳамияти, эксплуатация вақтида оралиқ қурилмалар элементларида шикастланишларнинг тўпланиш жараёнини ифодаловчи математик формулалар, шунингдек, кўприклардаги оралиқ қурилмалар ресурсини прогноз қилиш бўйича шу базада ҳосил қилинган аналитик боғланишлар ва ҳисобий услублар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти конструкциянинг диагностика натижаларини ҳисобга олган ҳолда, кўприкларни лойиҳалаш ва реконструкция қилиш учун ресурсни прогноз қилиш орқали эксплуатацион сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Олинган натижалар йўл хўжалигига тегишли кўприкларни таъмирлашдаги харажатларини қисқартириш, таъмирлараро муддатларни тўғри режалаш, ҳамда поездларнинг кўприкдан хавфсиз ва тўхтовсиз ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темир йўл кўприклари оралиқ қурилмалари ресурсини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

техник диагностика натижалари асосида темир йўл металл оралиқ қурилмаларнинг ресурсини ҳисоблаш услуби «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линиясидаги

бешта металл кўприкларни лойиҳалаш жараёнига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2017 йил 4 сентябрь НГ/4034-17-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши лойиҳалаш жараёнида кўприк элементлари нуқсонларни тавсифлаш орқали 7-8% оралиғида маблағ тежаш, ҳамда кўприк металл оралиқ қурилмаларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш имконини берган;

мавжуд сунъий иншоотларни текшириш ва техник холатини аниқлаш услуби «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг йўл хўжалиги бошқармасига тегишли барча йўл ташкилотларига жорий этилган (Йўл хўжалиги бошқармасининг 2017 йил 10 августдаги 2013-П-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқотларни жорий этиш натижасида таъмирлаш сифатини ошириш, эксплуатация жараёнида харажатларни 10-12%га камайтириш, меҳнат унумдорлигини 15-20% ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Металл темир йўл кўприкларини эксплуатация қилишнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида металл темир йўл кўприкларини эксплуатация қилишнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Тошкент – Самарқанд темир йўл линиясидаги биринчи паррон металл фермалари 1898-1905 йилларда ишлатилган. Паррон металл фермали Сирдарёдан ўтказилган кўприк 1899 йилда қурилган, ҳозирги пайтда карьерга элтадиган шахобча йўлда эксплуатация қилинади. Тўрт оралиқли кўприк 1896 йил ҳисобий меъёрлари бўйича лойиҳаланган бўлиб, ҳисобий оралиқлари 87,4м бўлган оралиқ қурилмалар билан ёпилган. Икки қияламали

фермалар тепаси эгри чизиқли ва пастидан юриладиган икки чизиқли системага эга.

1938 йилда Қорадарёдан темир йўл кўприги ўтказилди. Бу ерда 110 метрли оралиқ қурилма 1918 йил меъёрлари бўйича лойиҳаланган. Фермалар учбурчак панжарали, юқори белбоғлари полигонал шаклда.

Кейинроқ кўтариб турувчи конструкцияларнинг шаклини рационаллаштириш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида белбоғлари шаклининг оддийлиги билан ажралиб турадиган бир қатор оралиқ қурилмалар, хусусан, учбурчак панжарали ва параллел белбоғли фермалар ишлаб чиқилди. Натижада эгри чизиқли белбоғлари бўлган кўп қияламали, кўп панжарали фермалар бора-бора замонавий фермаларга ўрин бўшатиб берди.

Энг қизиқ ечимлар Норин дарёсидан ўтган, тепасидан юриладиган кўприкнинг *l*=34м оралиқ қурилмалари, пастдан юриладиган кўприкнинг *l*=44м оралиқ қурилмаларидир. Бу иккала оралиқ қурилмада анча сифатли пўлат ва замонавий технологиялардан фойдаланилган.

Амударёдан ўтган оралиқлари *l*=66м бўлган қўшма кўприкда, шунингдек, Сирдарё ва Амударёдан ўтган, оралиқлари *l*=110м бўлган кўприкларда металл конструкцияларнинг янги технологик ишланмаларидан фойдаланилган. Бу оралиқ қурилмалар Тўйтепадаги металл конструкциялар заводида тайёрланган.

Илк марта мамлакатимиздаги кўприк қурилишида Тошғузор-Қумқўрғон темир йўл линиясида тепасидан юриладиган узлуксиз паррон металл фермалар қурилган.

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикасидаги темир йўл кўприкларининг мавжуд ҳажмида 16% га яқин улушни статик схемалари турларининг ҳар хиллиги, қурилиш йиллари ва эксплуатация шароитлари билан фарқ қиладиган металл кўприклар ташкил қилиши аниқланган. Янги темир йўл линиялари қурилиши ҳисобига, жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига қуриладиган металл кўприклар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Эксплуатация жараёнини ташкил қилишнинг мавжуд холати замонавий талабларга жавоб бермаслиги кўрсатиб берилган. Оралиқ қурилмаларда янги шикастлар пайдо бўлишидан огоҳлантирувчи чора-тадбирлар амалда олиб борилмайди. Оралиқ қурилмаларни доимий эксплуатацияга топширишдан олдин ва уларнинг узоқ хизмат муддати давомида шу қурилмаларнинг мониторинги бўйича ихтисослашган ташкилотлар тузилмаган.

Юзага келган вазиятда кечиктириб бўлмайдиган ечим талаб қиладиган асосий масалалардан бири тайёрлаш, монтаж қилиш жараёни ва эксплуатация қилиш даврида пайдо бўладиган нуқсон ва шикастларни ҳисобга олган ҳолда оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат, деб хулоса чиқарилди.

Диссертациянинг **«Доимий эксплуатацияга қабул қилишдан олдинги металл оралиқ қурилмаларнинг техник диагностикаси натижалари»** деб номланган иккинчи бобида хориждаги ва Ўзбекистондаги замонавий заводларда металл конструкцияли оралиқ қурилмаларни тайёрлаш

технологиясининг мавжуд ҳолати батафсил таҳлил қилинган. Тошғузор-Қумқўрғон линиясидаги кўприклар учун оралиқ қурилмалар тайёрланган NIPPON STEEL (Япония) заводларида робототехника кенг татбиқ қилинган. Тошкент вилоятидаги Тўйтепа металл конструкциялар заводи ҳам замонавий ускуналар билан етарлича жиҳозланган. Барча заводларда паррон фермалар тайёрлашдаги асосий муаммолар қуйидагилардир:

- катта миқдордаги бирлаштирувчи элементларнинг зич туташишини таъминлаш қийин. Амалиётда 4,0 мм гача тирқишлари бўлган маҳаллий зичланмаган жойлар кўп учрайди. Буларнинг пайдо бўлишига фасонкалар, рыбкалар, накладкалар ва варақли элементлардаги бироз букилганлиги, шунингдек, учма-уч уланган жойларда элементлар белбоғлари текислигининг мос келмаслиги сабаб бўлади;
- элементлар бирлашишида юқори мустаҳкамликдаги болтлар ўтказиладиган тешиклар бир-бирига мос келмайди. Бунда болтлар, эксплуатация вақтида қийшайиб қолади. Бу эса уларнинг емирилишига сабаб бўлади;
- пайвандланган қутисимон конструкцияларда кесимлар ромбсимон бўлади. Тайёрлашда пайдо бўлувчи бундай нуқсонлар эксплуатация вақтида янада ривожланиб кетади. Бунга тирқишларда занг пайдо бўлиши, металлнинг занглаши, кўпчиш ва бошқалар сабаб бўлади.

Деворнинг бўйлама букилиши, винт шаклида бўлиши (буралиш деформацияси) ва кўпчиши, токчанинг деворга нисбатан қийшайиши ва пайвандлашдан ҳосил бўладиган деформация натижасида токчаларнинг қўзиқорин шаклида эгилиши каби нуқсонлар рухсат этилган қийматлар чегарасида бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай оғишлар пайвандланган балкалар ва элементларнинг юк кўтариш қобилиятига ёмон таъсир қилмайди.

Шу билан бирга, уланадиган элементлар ўқларининг мос тушмаслиги сабабли кесимларнинг ромб шаклида бўлиши узелларнинг кўтариб туриш қобилияти ва кўпга чидамлилигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Оралиқ қурилмалар ишига бу омилнинг таъсирини миқдор жиҳатдан баҳолаш бўйича тадқиқотлар хозиргача ўтказилмаган.

Завод шароитларида қутисимон кесимли пайвандланган элементлар энининг амалдаги ўлчамлари горизонтал варақлар ва кўндаланг кесим диагоналлари сатҳида ўлчанди. Кўндаланг кесим диагоналлари ўлчамларининг мос келмаслиги ромбсимонлик борлигидан далолат беради.

Ҳаммаси бўлиб, паррон фермаларнинг пастки белбоғидаги 68 та элемент кўндаланг кесимининг эни ўлчаб чиқилди.

Кесимнинг лойиҳавий энидан оғишларининг топилган қийматлари +2,65 мм ни ташкил қилади. Бу ҚМҚ 3.03.02-98 «Металл конструкциялар. Ишлаб чиқариш ва ишларни қабул қилиш қоидалари»да рухсат этилган +0; -2 мм дан кўп, лекин ИЖТда (Япония) рухсат этилган ±3 мм дан кам.

Таъкидлаб ўтиш керакки, кўрсатилган оғишларга нафақат конструкция элементларини ясаш технологиясининг даражаси, балки заводларга етказиб бериладиган прокатнинг лойиҳавий ўлчамларидан оғишлар ҳам таъсир қилади.

Шундай қилиб, прокат қалинлигининг кутиладиган оғишларида белбоғнинг горизонтал варағи ясалганда ҳам, ҚМҚ 3.03.02-98 «Металл конструкциялар. Ишлаб чиқариш ва ишларни қабул қилиш қоидалари» талабларида белгиланган +0; -2 мм га риоя қилиб бўлмайди.

Мазкур ишда уланмаларда нотекисликлар ҳосил қиладиган ромбсимонликнинг жоиз катталиги таъсирини баҳолашга харакат қилинган. Шу мақсадда Тошғузор-Қумқўрғон линиясидаги темир йўл кўприги учун Гранспан заводида (Манила) ясалган паррон фермалар элементларини назорат қилиш жараёнида ҳосил қилинган диагоналлар Δ узунлигидаги ҳар хилликни ўлчаш натижалари ишланди.

Диагоналларнинг узунлигидаги ҳар хилликнинг 0,99 ишончлилик билан оғиш эҳтимоли ±2,0мм бўлиб чиқади. Шундай қилиб, конструкцияларни ясашнинг мавжуд технологияси ва диагоналлардаги ҳар хилликларнинг рухсат этилган қийматларида нотекисликлар ҳосил бўлишининг олдини олиб бўлмайди.

16 та металл оралиқ қурилмаларни Тошғузор-Қумқўрғон, Тошкент-Самарқанд ва Тошкент-Ангрен-Поп линияларида доимий эксплуатацияга топширишдан олдин, уларнинг техник текшируви асосида кўрсатиб берилдики, металл конструкцияларни ясаш технологиясининг мавжуд даражасида уланмаларда нотекисликларга бутунлай йўл қўйилмасликнинг иложи йўқ ва уларнинг катталикларини ±3,0 мм қилиб чеклаш қўшимча талабларни тақозо қилади. Бирлаштириладиган элементлардаги нотекисликлар ортганда ишқаланиш коэффициенти камаяди. Уланмалардаги элементларнинг нотекисликлари 3,0 мм гача бўлган тирқишлар ишқаланиш коэффициентига амалда кам таъсир кўрсатади ва бу тирқишларни намлик тушишининг олдини олиш учун жипс беркитиш мумкин. 3,0 мм дан ортиқ тирқишларга рухсат этилмайди. Бундай тирқишлар пайдо бўлганда қўшимча пластинкалар билан тўлдириш тавсия этилади.

Назарий тадқиқотлар асосида шу аниқландики, уланмалардаги нотекисликлар 3,0 мм гача бўлганда, устқўймалардаги кучланишларнинг ортиши, устқўймаларнинг эгилиши ҳисобига 20% дан ошмайди, 3,0 мм дан кўп бўлиш жоизлиги эса, юқорида кўрсатилгандек, мақбул эмас.

Япония ва Ўзбекистон меъёрий талабларининг заводда тайёрланган металл конструкциялар элементлари геометрик параметрларининг оғишига умумий ёндашуви, умуман, мос келади. Бир қатор кўрсаткичларга кўра Япония меъёрлари қатъийроқ ҳисобланади. Бу ерда, чамаси, Японядаги завод шароитларида конструкция элементларини тайёрлашнинг энг юксак даражаси ва оралиқ қурилмаларни монтаж қилиш технологиясининг юқори даражаси эътиборга олинган.

Юқори мустаҳкамликдаги болтларнинг стандарт диаметри катталиги Япония ва Ўзбекистон меъёрлари бўйича фарқ қилмайди, аммо мустаҳкамлиги юқори болтлар учун номинал тешикларнинг керакли катталиклари ҳар хил бўлиб, ҚМҚ 3.03.02-98 «Металл конструкциялар. Ишлаб чиқариш ва ишларни қабул қилиш қоидалари» даги қатъий талабларни асоссиз деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабли бу қоидани, Ўзбекистон Республикасидаги заводларнинг маълум техник ва технологик

таъминланганлигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим. Параметрларнинг бошқа оғишлари бўйича талаблар амалда мос келса-да, Япония мутахассислари металл кўприклар қурилишини келгусида давом эттиришларини ҳисобга олиб, бу кўрсаткичларни давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш орқали бир хиллаштириш зарур.

Диссертациянинг учинчи боби **«Тайёрлаш ва монтаж қилишдаги дастлабки нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда металл оралиқ қурилмалар ресурси»** деб номланган. Ресурс – чидамлилик тавсифи, объектнинг, уни ишлатишдан бошлаб чегаравий ҳолат бошлангунга қадар ишлаб бериш захирасидир.

Кўприклардаги металл оралиқ қурилмаларга мувофиқ ресурснинг энг яхши ўлчов бирлиги сифатида конструкция ишончлилик назариясининг таркибий қисми бўлган вақт қабул қилинган.

В.В. Болотиннинг ишларида машина конструкциялари ресурсини прогноз қилишнинг назарий асослари биринчи марта таърифлаб берилди. В.О. Осипов темир йўл кўприкларидаги оралиқ қурилмалар учун мос равишда ресурсни ҳисоблаш принципини асослаб берди. Бу масалалар Л.И. Иосилевский, В.П. Чирков, А.Ю. Клюкин, А.А.Шейкин, Б.Ф. Лесохин, О.В. Смирнова, Е.П. Феоктистова ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди.

Лойиҳалаш босқичида металл оралиқ қурилмалар ресурсини ҳисоблаш меъёрий хужжатларда қатъий белгиланмаган. Кўприк конструкциялари элементларининг чидамлилигини ҳисоблаш шартларини таъминлаш 80-100 йил чегаралардаги хизмат муддатини кафолатлайди. Бунда муҳим омиллар – тайёрлаш ва монтаж қилишдаги бошланғич нуқсонларнинг таъсири эътиборга олинмайди, эксплуатация вақтида конструкциянинг ишлаш шароитлари эса тўлиқ ҳисобга олинмайди.

Бошланғич нуқсонларнинг учма-уч уланган бирикмаларнинг юк кўтариш қобилиятига таъсирини рақамлар билан баҳолаш учун “Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ иштирокида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг буюртмаси бўйича NIPPON STEEL лабораториясида (Япония) металл паррон фермалар узелларининг бўлаклари экспериментал тадқиқ қилинди.

Бўлак-намуналарнинг 3 та серияси тайёрланди. Ҳар бир серия уланадиган элементларнинг нотекисликлари 3,0 ва 4,5 мм бўлган тўртта намунани ўз ичига олди. Бир вақтнинг ўзида шундай намуналар нотекисликларсиз тайёрланди.

Узелларнинг бўлаклари Ниппон Стил Инжиниринг Ко. Лтд. компаниясининг Саубаку илмий-тадқиқот лабораториясида синовдан ўтказилди.

Синовлар юк кўтариш қобилияти 4000 кН бўлган гидравлик машинада бажарилди. Сирпаниш катталикларини ўлчаш учун маркалар ўрнатилди. Деформацияларни ўлчаш аниқлиги – 0,01 мм.

1- ва 2- расмларда тажриба намуналарини синашда уланмалар ишлаш диаграммаси ва уланмалардаги нотекисликлар катталигида ҳосил бўладиган сурувчи кучларнинг боғлиқликлари берилган.



а)



б)

1-расм. Ясси (а) ва ҳажмли (б) тажриба намуналарини синашда нотекисликлар бўлмаган (1) ва нотекисликлар 3,0 (2) ва 4,5 (3) мм бўлган уланмаларнинг ишлаш диаграммаси

1 ва 2-расмлардан кўриниб турибдики, сурувчи кучлар катталиги – Р бирлаштириладиган элементлардаги нотекислигига ва болтларнинг учма-уч уланган жойига жиддий боғлиқ. Сурувчи кучнинг энг кичик бирлаштириладиган элементлардаги нотекисликлар 4,5 мм бўлган ҳолда, болтларнинг учма-уч уланган жойдан энг чеккадаги қаторига мос келади. Бу шуни кўрсатадики, нотекисликлар кўпайганда бирлаштириладиган элементлардаги контакт текислик пасаяди ва болтлар қаторига кучларнинг узатилиши нотекис кечади.

а)



2-бўлак

Δ – болтларнинг учма-уч уланган жойга энг чекка қатори

▲ - болтларнинг учма-уч уланган жойдан энг чекка қатори

б)



1-бўлак

○ – болтларнинг учма-уч уланган жойга энг чекка қатори

● - болтларнинг учма-уч уланган жойдан энг чекка қатори

2-расм. Сурувчи кучларнинг бирлаштириладиган элементлардаги нотекисликларнинг катталигига боғлиқлиги
а) ясси бўлаклар; б) ҳажмли бўлаклар

Узел пластинкасининг зўриқиш-деформацияланиш ҳолатини аниқ топиш мураккаб. Шунинг учун бундай масалаларнинг ечимларида пластинканинг эгилишига сабаб бўладиган юкламанинг марказдан ташқарига тушиш таъсири дастлабки қийшайишнинг ортиши билан ҳисобга олинади.

Ферма узелидаги пластина устқўймасининг ишлаш ҳолати кўриб чиқилди (3-расм)



3-расм. Устқўйманинг дастлабки қийшайган ҳолатида бириктириш схемаси

Умумий ҳолатда контур бўйича таянган тўғрибурчакли плита бўйлама йўналишда бир текис сиқилган тўғри бурчакли плита кўриб чиқилди. Вазифа материалнинг оқувчанлик чегараси билан таққосланадиган келтирилган кучланиш - $\sigma_{пр}$ ни топишдан иборат. Қийшайган пластинадаги критик кучланишнинг математик формуласи қуйидагича ёзилади:

$$\sigma = A + \sigma_0 - \sigma_T + \sqrt{(A + \sigma_0 - \sigma_T)^2 + 4\sigma_T\sigma_0} \quad (1)$$

$$A = \frac{\pi E f_0 t}{\sqrt{2} l^2} \quad (2)$$

$$\sigma_0 = \frac{k\pi^2 E t^2}{12 b^2} \quad (3)$$

бу ерда: σ_0 – эгрилиги бўлмаган пластина учун критик кучланиш; k – пластина томонларининг оғишига боғлиқ бўлган коэффициент.

Формулалардан кўриниб турибдики, қийшайган пластинадаги критик кучланиш унинг қалинлиги - *t,* болтларнинг ўқлари орасидаги масофа - *l*, уланманинг кенглиги - *b* ва f_0 - қийшайишнинг дастлабки катталигига боғлиқ.

1-жадвалга бошланғич қийшайишлар 0 мм дан 5,0 мм гача бўлган ҳолда дастлабки қийшайишнинг ҳар хил катталиклари - f_0 учун (1) формула бўйича ҳисоблаб чиқилган $\frac{t}{l}$ га боғлиқ ҳолда $\frac{\sigma_0}{\sigma}$ ўзгаришлар натижалари киритилган

1-жадвал

$\frac{t}{l}$ ва f_0 га боғлиқ ҳолда $\frac{\sigma_0}{\sigma}$ нинг ўзгаришлари

$\frac{t}{l}$	Дастлабки қийшайиш катталиги - f_0, *мм*					
	0	1,0	2,0	3,0	4,0	5,0
0,3	1,0	0,97	0,85	0,80	0,75	0,70
0,35	1,0	0,98	0,82	0,78	0,72	0,70
0,4	1,0	0,98	0,80	0,73	0,71	0,68

1-жадвалдан кўриниб турибдики, қийшайган пластина критик кучланишининг тўғри чизиқли пластина - σ_0 га нисбатан ортиши пластинанинг дастлабки қийшайиш катталиги – учма-уч уланмалардаги нотекислик (тирқиш)нинг катталигига боғлиқ. Катталиги 5,0 мм бўлган тирқиш пластинадаги кучланишни 30-32% га ошириши мумкин. Кучланишларнинг ўзгариши $\frac{t}{l}$ нисбатларга бироз боғлиқ.

Оралиқ қурилмаларнинг деформацияси уланмаларнинг деформацияланув-чанлигига жиддий боғлиқ бўлиши кўрсатилган. Шу сабабли узелларнинг чегаравий ҳолатини баҳолаш учун уланмаларнинг қуйидаги кўринишга келтирилган диаграммасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$\varepsilon_\Delta = \Delta + \varepsilon = \frac{\sigma l}{4E} + \left[\frac{\sigma}{\text{Б}}\left(1 - \frac{m}{n}\right)\right]^k \qquad (4)$$

бу ерда Б – вақт ўлчамлилигига эга бўлган ўзгармас сон; k – ўлчамсиз коэффициент; m – биринчи қатордаги болтлар сони; n – яримустқўймадаги болтлар сони.

Диссертацияда чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган фермалар узелларининг ҳолати кўриб чиқилади. Бундай ҳолатда фрикцион уланишда бирлаштириладиган элементларнинг ўзаро сурилиш деформациялари ривожланади. Бўлакларни синаш натижалари асосида узелли уланмаларни ҳисоблаш учун ишқаланиш коэффициентини аниқлаш формуласи таклиф қилинди.

Уланмалардаги ишқаланиш коэффициенти - f учма-уч уланган жойлардаги элементлар нотекисликлари ортганда ишқаланиш коэффициенти – f камайиши аниқланди. Уланмалардаги нотекисликлар 3,0 мм гача бўлганда ишқаланиш коэффициентининг синов қийматлари амалда ҚМҚ меъёрий катталиклари билан бир хил бўлади. Нотекислик катталикларининг кейинги ортиши f нинг сезиларли камайишига олиб келади (4-расм), шунинг учун бундай ҳолатларда нотекисликларни ясси пластинкалар билан тўлдириш тавсия этилади. 3,0 мм гача бўлган нотекисликлардаги тирқишларни

уланмаларга намлик тушишининг олдини олувчи герметиклар билан тўлдириш тавсия қилинади.



○ – ясси бўлаклар;
Δ – ҳажмли бўлаклар;
▲– элементлар бир-бирига ўтирадиган текисликни ҳисоблаш натижалари бўйича.

4-расм. *f* коэффициентининг уланмалардаги нотекисликларга боғлиқ ҳолда ўзгариши

Ишқаланиш коэффициенти - f нинг бирлаштириладиган элементлар нотекислигига боғлиқ ҳолда ўзгариши синов натижаларини энг кичик квадратлар усули билан ишлаш орқали аниқланди:

$$f = 0{,}64 - 0{,}05\delta \qquad (5)$$

Олинган натижалар орқали фрикцион уланмаларнинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашни болтларнинг ўрта қатори бўйича қуйидаги формуладан аниқлаш тавсия қилинади:

$$S \leq k \cdot N_H \cdot (0{,}64 - 0{,}05\delta) \qquad (6)$$

бу ерда S – уланмада ҳисобий юкламалардан ҳосил бўладиган сурувчи куч; N_H – болтни таранглашнинг меъёрий кучи; δ – уланмалардаги нотекислик, мм.

(6) формула узелда бирлашувчи элементларда нотекисликлар ҳосил бўлган ҳолатда эксплуатация шароитларига тузатиш киритиш имконини беради.

Мазкур ишда узел бўлакларини қайта-қайта юкланишларга синаш натижалари берилган.

Бирлаштириладиган элементларидаги нотекисликлар 4,5 мм гача бўлган ясси бўлаклар «NIPPON STEEL» компанияси лабораториясида синаб

кўрилди. Ҳаммаси бўлиб бирлаштириладиган элементларидаги нотекисликлар 0; 3 ва 4,5 мм бўлган 6 та намуна тайёрланди.

Қайта-қайта юклаш жараёнида учма-уч уланадиган элементлар ўқининг сурилиши ўлчанди. Юклаш вақтида сурилиш деформацияларини ўлчашлар электротензодатчиклар билан пульсацияли юклашни тўхтатмаган ҳолда ёзиб олинди.

Бўлакларни қайта-қайта юклашнинг амалда эксплуатация шароитларига яқин бўлган параметрлари танлаб олинди. Чўзувчи юкланишларнинг энг катта қиймати - σ_{max} умумий сурилишнинг бошланишига мос келадиган кучланишнинг 0,6÷0,7 улушича, энг кичик қиймати - σ_{min} эса шу кучланишнинг 0,3÷0,4 улуши чегараларига тенг деб қабул қилинди. Циклни қўшиш частотаси – бир минутда 800 та такрорий юклашлардир. Юклаш циклларининг энг кам сони - $2 \cdot 10^6$ цикл.

5-расмда тажриба бўлакларини синаш натижалари кўрсатилган.



○ – нотекислиги бўлмаган элементлар бирикмаси;
● – нотекислиги 3,0 мм бўлган элементлар бирикмаси;
□ – нотекислиги 4,5 мм бўлган элементлар бирикмаси

5-расм. Такрорий юклашларда сурилиш деформациясининг кучайиш боғлиқлиги

5-расмдан кўриниб турибдики, бирлаштириладиган элементлардаги нотекислик ортганда сурилиш деформациясининг кучайиши ортади. Уланмаларида нотекисликлар бўлмаган бўлакларда юкланишнинг $N_0 = 2 \cdot 10^6$ циклидан кейин сурилиш деформациясининг тўпланиши умумий сурилишнинг бошланиш даражасининг салкам 0,6 улушини ташкил қилди, яъни уланма

